

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 30-avgust, Chorshanba

№ 37 (9253)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади”, деган эзгу ғоя асосида бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 барабар ошди.

Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификати бор ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди. Натижада 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингга етди, 10 миллион сўмдан юқори ойлик олувчилар 1 мингдан ошди.

Мактаблар юкмасини

камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу – аввалги йилларга нисбатан 15 барабар кўп. Олий таълимда ҳам қамров 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилди.

Шу билан бирга, мактаб таълими соҳасида долзарб масалалар ҳали кўп.

Бугунги кунда бошланғич синфларда 11 та, юқори синфларда 16 та фан ўтилади. Лекин ўқувчилар аниқ бир йўналишда чуқур билимга эга бўлмай, мактабни битираяпти.

Ўтган йили 220 минг муаллимдан 86 минг нафарни ёки 37 фоизининг билим ва кўникмаси “қониқарсиз” баҳоланган. Бу ҳол, айниқса, ҳозир талаб юқори бўлган информатика, инглиз тили, физика, математика ва кимё фани ўқитувчиларида бўлгани ташвишли.

Охириги олти ярим йилда юртимизда 320 минг хонадонли янги уй-жойлар барпо этилган. Лекин уларга мос қувватда мактаблар қурилмаган. Янги массив ва маҳаллаларда ҳозирнинг ўзида 350 минг ўринли мактабларга талаб бор. Мавжуд мактаблар

инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар кўп.

Сўнгги йилларда 70 минг ўринли 350 та хусусий мактаб ташкил этилган. Аммо кўплаб вилоятларда бу борадаги ишлар етарли эмас.

Шу каби таҳлилларни қайд этар экан, давлатимиз раҳбари мактабларни ҳам мазмун, ҳам шароит жиҳатидан яхшилаш бўйича янги ташаббусларни билдирди.

Аввало, таълим сифатини ошириш мақсадида республика бўйича 500 та мактабда Президент мактаби ва ихтисослашган мактаблар ўқув дастури ҳамда баҳолаш тизими жорий этилади. Бир йилда уларнинг иш баҳола-ниб, янги тизимни самарали қўллаган ўқитувчиларга 40 фоизгача устама берилади. Келгуси беш йилда ушбу тизим барча мактабларда жорий қилинади.

Бу йил мактабларда дарс бериш учун хориждан 500 нафар “тил эгалари” таклиф этилган. Кейинги йилларда улар яна маҳаллаларда ҳозирнинг ўзида чет эллик ўқитувчиларнинг уй-жой масаласини ҳал қилиш

топширилди.

Юқори синфда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага қисқари-ради. Бунда, 10-11 синф ўқувчи-ларига “кимё – биология”, “математика – физика”, “математика – чет тили”, “она тили ва адабиёт – чет тили” фанлари уларнинг танлови асосида чуқурлаштириб ўқитилади.

Касб-ҳунар эгаллаш истагида-ги ўқувчиларга эса, мактабнинг ўзида тайёр мутахассис бўлиб етишиш имконияти яратилади. Келгуси ўқув йилидан камиди 1 мингта мактаб шу тизимга ўтказилади.

Дарсларнинг мазмуни ҳам ўзгаради. 1-синфдан компьютер саводхонлиги, юқори синфларда молиявий саводхонлик дарслари жорий этилади.

Энг муҳими, ўқув дастурлари-га қўшимча янги фанларни киритиш тақиқланади. Энди барча янги таклифлар мавжуд фанларга интеграция қилиниб тайёрланади.

Президент ўқитувчилар мала-касини ошириш ва уларга муно-саиб шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муҳим

вазифаларни белгилаб берди.

Унга кўра, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакаси-ни ошириш ва тоифа бериш тизи-ми тўлиқ ўзгартирилади. Жумла-дан, ўқитувчиликка қабул қилиш танлов асосида бўлади. Илк бор келган номзодларга 1 йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлаш ва йил якуни билан касбий сер-тификат олиш талаби қўйилади. Кейинчалик бу тизим барча ўқи-тувчилар учун босқичма-босқич жорий қилинади.

Ўқитувчилар малакаси ҳам та-бақалашган ҳолда оширилади. Яъни, малака оширишдан олдин ўқитувчининг билими “диагности-кадан ўтказилади” ва натижасига кўра индивидуал касбий риво-жланиш йўналишлари белгилана-ди. Паст натижа олганлар бўйича ўзи ўқиган олийгоҳга рекламация юборилади. Яъни, бу педагогик олийгоҳлар фаолияти учун ҳам баҳо бўлади.

Шу боис ҳудудий малака ошириш марказлари фаолият-ни танқидий ўрганиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ Президент таширифидан сўн...

БУЛУНГУРДА АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 24 август куни Самарқандга ташрифи чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар бўйича йиғилиш ўтказганда ва унда ҳудуд раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ислохотларнинг жойлардаги ижроси ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берганда.

ЎЗА мухбирига Бу-лунгур тумани ҳокими Самандар Астонов жорий йилда амалга оширила-ётган лойиҳалар, қури-лиш-бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб берди.

– Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказиладиган бундай йиғилишларда, ал-батта, ҳудуд ривожини боғлиқ муҳим вазифалар белгиланади, оғриқли ма-салаларга ечим топилади, фаолият танқидий таҳлил қилинади, – дейди С.Астонов. – Шу жиҳатдан ушбу мажлисда ҳам туманимиз ҳаёти билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳал этилди, режаларимиз ҳақида 2017 йилда туманимизда 2,1 минг гектар майдонда картошка экилган бўлса, бугунга келиб қарийб 8 минг гектарда “иккинчи нон” етиштирямиз. Биргина жорий йилда картошка етиштириш 200 минг тон-нага етказилади.

Лекин бизда бу кўрсат-кични янада ошириш им-конияти мавжуд. Хусусан, Хўжамазгил маҳалласи ҳу-дудида суғориш қийин бўл-ган 2000 гектар ер майдон-нидан 25 йилдан буён бир мартали экинлар экила-диган лалми ер сифатида фойдаланиб келинмоқда. Биз ушбу ердан самарали фойдаланиш мақсадида “Туронбанк” билан бирга-ликда янги лойиҳа ишлаб қилдик. Яъни 2 та насос ўрнатиш, 4 километр қувур ҳамда 1 та трансформа-тор учун 20 миллион сўм микролотлар имтиёзли кре-дит олиш орқали йилига 45 минг тонна картошка етиштириш ва бир мингдан ортқ оилани даромадли қилиш имконияти пайдо бўлади.

Булуңгур асосан мева-сабзавотчиликка ихтисос-лашган бўлиб, ўтган йили туманда 415 минг тонна маҳсулот етиштирилди. Бу маҳсулотларни шу ҳолат-да сотгандан кўра, қайта ишлаб бозорга чиқарсак, деҳдон ва фермерлари-ни учун ҳам, туманимиз иқтисодиёти учун ҳам фойдали бўлади. Шунинг учун бу йил инвестиция дастури асосида тўртта

(Давоми 2-саҳифада)

➤ Мутахассис тавсиялари

ҒАЛЛА ЭКИШНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Кейинги 4-5 йилда дунё миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари кузатилиб, турли экологик муаммолар сабабли бошоқли дон экинлари навларининг морфо-биологик ҳолатлари ҳамда уларда кечадиган ўсиш ва ривожланиш давлари, бошоқлаш, чангланиш, уруғланиш жараёнлари ўзгариб бормоқда.

Маҳаллий шароитларга мос, интенсив типдаги ўта тезпишар, эртапишар, май ойи охирига бориб пишадиган, юқори ва сифатли ҳосил берадиган, кам сув ва озуқа талаб этадиган, пакана ва яримпакана янги навларни яратиш, хорижий навларни танлаш, уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш, ғалла етишти-ришда янги, инновацион технология-ларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш соҳа олимлари ва мутахассислари олдидаги энг асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўтказилган кўп йиллик илмий из-ланишларнинг қўрсатишича, мамла-катимиз суғориладиган майдонла-рида кузги бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 100-120 центнерга етказиш ва ундан ҳам орттириш им-

кониятлари мавжуд. Кейинги йил-ларда Республикада июн-июл ойларида бўладиган иссиқнинг май ойининг иккинчи ўн кунлигида кузати-лаётгани эрта мuddатларда экилган кузги бошоқли дон экинлари ҳосил элементларининг шаклланишига, чангланишига салбий таъсир эт-моқда. Натижада бошоқда дон тўла шаклланмасдан, пуч бўлиб қолиши кузатишмоқда. Шунинг учун экиш мuddатларини минтақа тупроқ-иқлим ша-роитларига қараб ўзгартириш тақозо қилмоқда. Республикада кейинги йилларда асосий ва тақрорий экин сифатида соя, мош ва бошқа дук-какли экинларнинг экилиши тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга хизмат қилмоқда.

Келгуси йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиш ишларини белги-



Равшанбек СИДДИКОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, к.х.ф.д., профессор.

ланган мuddат ва меъёрларда, тез ва сифатли бажаришда мутасадди раҳбар ва мутахассислар, фермер-лар қатор агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари керак.
(Давоми 2-саҳифада)



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

БАЙРАМ АРАФАСИДА ҲАРБИЙЛАР УЙЛИ БЎДДИ

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги 30 нафар ҳарбий хизматчига Гулистон шаҳрида қурилган кўп қаватли янги уйлардан хонадонлар тантанали равишда топширилди.



Сирдарё вилояти ҳо-кимии, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Акмалжон Маҳмудалиев йиғилганлар-ни байрам билан кутлаб, кейинги йилларда миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароити, уларнинг оила аъзоларини қўла-б-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами оила-мизга қувонч олиб келди, – дейди ҳарбий хизматчи

Ё.Пиримқулов. – 14 йилдан буён оила билан ижара уй-ларда яшаб келаман. Мен-га ҳукуматимиз томонидан Гулистон шаҳар марказида барпо этилган янги уйдан 3-хонали хонадон тақдим этилди. Рафиқам ва уч на-фар фарзандим қувончи-нинг чеки йўқ. Ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан биз ҳарбийларга бўлган эъ-тибор, ғамхўрликдан боши-миз кўкка етди.

Ш.СУЯРОВ,
ЎЗА мухбири,
Шахриёр ОРТИҚБОЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 28 август куни Сув ҳўжалиги вазирлигида соҳани молиялаштириш, ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармасига маблағ тушириш бўйича семинар ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бош ҳисобчилари, республика бudge-тидан ва маҳаллий бюджетдан молия-лаштириладиган тизим ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда ривожлантириш жамғар-масига маблағлар ўз вақтида ва етарли даражада туширилмаётганлиги, бу ўз ўрнида ходимларни моддий рағбатлан-тиришга таъсирини кўрсатаётганлиги, шунингдек, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши муҳокама қилинди.

Ҳафтанинг жума кунлари молия-лаштириш мавзусида жойларда семинар-лар юзаси ўтказилаётганлиги, кўтарилаёт-ган масалаларнинг натижадорлиги талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди.



Мустақиллик байрами арафасида барча тизим ташкилотларида ишчи-ход-имларга моддий рағбатлантириш пулла-рини тўлашни ташкиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати

АНДИЖОНДА САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрами арафасида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Андижон шаҳри ҳамда вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари марказларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Андижон шаҳридаги 14 та маҳалла гу-зари ҳамда барча туман, шаҳар марказ-ларида иш бошлаган савдо ярмаркалари расталаридан “Андижон вилоят бозор-лари ва савдо мажмуалари” уюшмаси, “Андижонгўштсавдо”, “Андижонбалиқ” масъулияти чекланган жамиятлари, ви-лоятдаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари, савдо ташкилотлари маҳсу-лотлари, шунингдек, фермер ҳўжаликлари ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирил-ган, ишлаб чиқарилган мева-сабзавотлар, озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари ўрин олган.

– Маҳалламиз гузарида ташкил этилган ярмаркада элликака яқин турдаги қишлоқ ҳў-жалиги, полиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сабзавотлар сотилмоқда, – дейди Андижон шаҳридаги “Маъшал” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Тўлқин-жон Сиддиқов. – Айниқса, мол, товуқ гўшти, балиқ ҳамда тухум бозорга нисбатан арзон

нархларда, пластик карталарга сотилаёт-ганидан хурсандим.

Ҳамюртларимизнинг байрам дастур-хонлари тўкин бўлишини таъминлаш мақ-садида ташкил этилган ушбу савдо ярмар-калари шаҳар аҳолиси учун катта қулайлик яратмоқда. Қолаверса, савдога қўйилган маҳсулотлар нархи бозордагига нисбатан арзон. Бундан ташқари, намунали хизмат кўрсатилиши, пластик карталар орқали ҳам савдоларнинг йўлга қўйилгани юртдошлар-имизга манзур бўлмоқда.

Халқимизнинг энг азиз, энг улғў айёми – Мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этилган арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркалари аҳолига қулайлик яратиш бил-лан бирга, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, халқимиз дастурхонини тўқинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Президент барча ўқитувчилар, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилди

МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Муаллимларга малака тоифасини бериш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда педагогнинг билими дастлабки имтиҳонда баҳоланиб, 70 фоиздан кўп балл тўплаганлар иккинчи босқичга ўтади. Иккинчи босқичда илғор педагогик технологияларни қўллаши, ўқувчилар билан ишлаш методикаси ва баҳолашдаги ёндашувлари текширилади.

Мактабга ва мактаб таълими вазирлигига ушбу тажрибани ўқитувчиларнинг билим даражаси паст бўлган 20 та туманда синовдан ўтказиш вазифаси кўйилди.

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юр்தларини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, Тошкент ва Чирчиқдаги Педагогика университетларида мутахассислар Президент мактаби дастури асосида тайёрланади. Бу муассасалар педагогика йўналишидаги институтлар учун “таянч олийгоҳ” бўлади.

Келгуси ўқув йилидан кадрлар етишмайдиган, оғир мактаблар олдидан танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади.

Мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартирилади. Энди директорликка номзодлар фақат сертификати бор ва захирага киритилган кадрлар орасидан танланади ва мuddатли шартнома асосида ишга олинади. Директорлар ва унинг ўринбосарлари ҳар беш йилда бир марта сертификациядан ўтди.

Соҳадаги яна бир долзарб масала – ўқувчи ўрнини кўпайтириш.

Келгуси йилда Инвестиция дастури доирасида мактаб қурилишига 3 триллион сўм ажратилиши назарда тутилган. Бунинг ҳисобига 150 минг янги ўқувчи ўрни яратилади.



Кам қувватда ишлаётган 61 та коллеж биносидида мактаблар ташкил қилинади. Хусусий шериклик асосида 50 та мактаб қурилади.

Хусусий секторга кўшимча шароитлар яратиш орқали йилига камида 25 минг ўқувчи ўрни очилади. Бунинг учун тадбиркорларга хусусий мактаб ташкил қилишга кредитнинг 7 фоиз қисми бюджетдан қоплаб берилади. Янги мактаб қуриш учун ер майдонлари мақсадли аукционга чиқарилади.

Умуман, бу ишлар орқали келгуси йилнинг ўзида 250 минг ёки ўтган йилга нисбатан 2 қарра кўп ўқувчи ўрни яратилиши таъкидланди.

Мутасаддиларга ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш, мактаблар қуриш ва жиҳозлаш, муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича топши-

риқлар берилди.

Битирувчиларнинг бандлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йил 387 минг нафар ўқувчи мактабни тамомлаган. Шундан 138 мингтаси олий таълимга ўқишга кирган.

Давлатимиз раҳбари қолган битирувчиларни профессионал таълим билан қамраб олиш, ёшларни кам харажат қилиб, кўп даромад оладиган замонавий касбларга ўргатиш муҳимлигини таъкидлади. Ўқувчилар билан манзилли ишлаш, бунда ҳоким, мактаб директори ва ота-оналарнинг масъулиятини аниқ белгилаш вазифаси кўйилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин 15 ёшгача бўлган болаларга йод, витаминлар ва гижжага қарши дорилар тарқатиш амалиёти жорий қилинган эди. Натижада болаларнинг жисмоний ва ақлий

ривожланишига таъсир кўрсатадиган қалқонсимон без касалликлари камаймоқда. Шу боис ўқувчиларга йод препаратларини бепул тарқатишни давом эттириш, аҳоли орасида йод истеъмолининг фойдали хусусиятларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда Президент барча ўқитувчилар, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилди.

– Азиз устозлар, мактаб таълими соҳасидаги ислохотларимизни амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим, деб биламан. Мактаб таълимини янада яхшилаш бўйича қабул қилаётган чора-тадбирларимизнинг пировард натижаси аввало сизларга, сизларнинг фидокорона меҳнатингизга боғлиқ.

Мен сизларнинг тимсолингида ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва олижаноб ишга – янги авлод тарбиясига бағишлаган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонларни кўраман. Бугун сизлар таълим тарбия бераётган, қалбини, онгини эзгулик билан тўлдирётган миллионлаб фарзандларимиз эртага Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиб бизнинг сафимизга қиради. Ватанимиз, халқимиз сизларнинг бундай олижаноб хизматларингизни ҳеч қачон унутмайди. Ўқитувчилик касбини эъзозлаш, унинг меҳнатини қадрлаш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Янгилашган Конституция-мизда ўқитувчи мақомини мустақимлаб кўйдик. Келгусида шу асосда, албатта, кўп ишларни амалга оширамыз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва бошқа масъуллар ахборот берди.

Ў.А



ҒАЛЛА ЭКИШНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ МҮЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

(Боши 1-саҳифада)

Кузги буғдой етиштириш технологияси ҳар бир минтақада ўзига хос бўлиши, уруғ энг яхши ўтмишдош экинлардан кейин жойлаштирилиши керак. Интенсив типдаги ўта эртапилаш, эртапилаш, май ойи охирига бориб пишидиган, юқори ва сифатли ҳосил берадиган, кам сув ва озуқа талаб этадиган, пакана ва яримпакана навларни танлаш, жойлаштириш ва экиш мuddатларини тўғри белгилаш, тупроқни етарли миқдордаги озик моддалар билан таъминлаш зарур. Экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини тупроқ ҳолатига қараб гектарига соф ҳолда 90-120 кг. миқдорда белгилаб, 100 фоиз экишдан олдин берилишини таъминлаш зарур. Вегетация даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрини гектарига 180-210 кг. миқдорда белгилаб, табақалаштирилган ҳолда туплаш, найчалаш ҳамда бошоқлаш фазасида, навларнинг биологик хусусиятидан келиб чиқиб амалга ошириш ҳосил сифатига ижобий таъсир қилади.

Сугориладиган ерларимизда кузги буғдой учун ўтмишдош экин сифатида ғўза, маккажўхори ва охирги йилларда соя, кунгабоқар экиладиган майдонлар кенгайиб бормоқда. Ғалла экишга ер тайёрлашда ҳар бир ўтмишдош экин туридан кейин тупроққа ишлов бериб, ерни экишга тайёрлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Ғалладан юқори ҳосил олишда ерни сифатли тайёрлаш ва экиш мuddатларига қатъий риоя қилиш муҳимдир. Шунинг учун экиш мuddатларини минтақа табиий-иқлим, тупроқ шароитла-

рини ҳисобга олган ҳолда, тўғри белгилаш тақозо этилади.

Республикамизнинг шимолӣ минтақасида ерларнинг шўрини ювиш ишларини тезлаштириб, ерни экишга тайёрлаб, экиш ишларини сентябр ойида якунлаш мақбул мuddат ҳисобланса, жанубий ҳамда марказий минтақа ва Фарғона водийси вилоятлари шароитларида энг мақбул экиш мuddатлари сентябр ойидан то 10 октябрғачадир.

Бошоқли дон экинларининг кечки, ўртаки кечки навларининг экиш мuddатларини 20 августдан 20 сентябргача, интенсив типдаги ўта эртапилаш навларини эса 20 сентябрдан 15 октябргача экиш мақсадга мувофиқдир.

Ғалла экиш меъёрлари албатта, экиш мuddатлари вақтида белгилашиб, уруғ меъёри ҳар гектарига уруғликнинг минг донна дон вазиғига қараб 200-220 кгдан сарфланади ёки бир гектар майдонга 4,5-5 млн. донна унвучан уруғ қадалади. Агар экиш мuddатлари кечика экилаётган уруғлик меъёри 10-15 фоизга оширилиши тавсия этилади.

Ғалла ҳосилдорлигини оширишда биринчи навбатда юқори маҳсулдор навлардан фойдаланиш муҳимдир. Аммо ҳар қандай яхши нав ҳам энг мақбул мuddат ҳамда меъёрларда экилиб, барча агротехника қоидаларига тўғри амал қилинса, касаллик ва ҳашаротлардан ҳоли бўлса, у ҳеч қачон ўз ирсий хусусиятларини ҳамда потенциал ҳосилдорлик имкониятларини пасайтирмайди.

Юқоридаги тавсияларнинг ўз мuddатида, сифатли амалга оширилиши 2024 йилда ғалладан юқори ва сифатли ҳосил олишга замин яратади.

Эълонлар

“SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг А4 форматдаги 0283377 серияли полис бланкаси йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

Ахметова Фаина Багаутдиновна номига 1993 йил 23 январда 01-01/1479 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

БУЛУНҒУРДА АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Йўл бўйи хизмат ва сервис кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида туманда кейинги беш йилда мазкур тармоқ субсекторлари 396 тадан 1801 тага ошди. Аммо бу соҳани янада ривожлантириш имконияти мавжуд.

Халқаро аҳамиятдаги М-39 автомагистралнинг 24 километри туманимиз ҳудудидан ўтган. Бу эса йўл ёқасида инфратузилмани ривожлантириш учун жуда катта имконият ҳисобланади. Ушбу ҳудудда умумий қиймати 15 миллион доллар бўлган 71 та савдо ва сервис объектларини ишга тушириш мақсадида кўшимча 1,5 мингта янги иш ўринлари яратмоқчимиз. Жумладан, “Multifunctional Manufacturing” масъулияти чекланган жамияти томонидан 15 миллиард сўмлик логистика маркази, меҳмонхона, умумий овқатланиш ҳамда савдо комплекси ташкил этиш

режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ҳудудга камида 100 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича берган топшириғи асосида бир қатор лойиҳаларни шакллантирдик.

Жумладан, Губдин масъулияти чекланган жамияти томонидан 100 миллион долларлик инвестиция ҳисобига энгил автомобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади. Йилига 100 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган корхонада 200 дан ортқ иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, “Agromopolit” МЧЖ томонидан умумий қиймати 11 миллион долларлик замонавий усулда иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси доирасида жорий йилда 7,4 миллион доллар инвестициялар киритилади. Хитойлик инвесторлар томонидан киритила-



диган 150 миллион долларлик сармоя ҳисобига Губдинда 1000 гектар лалми ер майдонида замонавий сугориш тизимларини жорий этган ҳолда маккажўхори етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилади.

“Shox Fayz baraka uyali” МЧЖ эса 7 миллион долларлик лойиҳа бўйича автомобиль эртиёт қисмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Бунинг учун

йил якунига қадар 6 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилади.

Жорий йил бошида туманимизда ишсизлар 7700 нафарни (9,2 фоиз) ташкил этган эди. 7 ойда амалга оширилган лойиҳалар, дастурлар асосида уларнинг 7100 нафарининг бандлиги таъминланди. Эндиликда олдимизда яна 600 нафар ишсиз ва меҳнат бозорига кириб келади-

ган 2200 нафар ҳамда миграциядан қайтиши кутилган 2500 нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш вазифаси турибди. Бу бўйича ҳам аниқ ҳисоб-китобимиз бор ва уларнинг бандлигини таъминлаймиз.

Ишсизларнинг 1300 нафари “20 минг тадбиркор ва 500 минг малакали мутахассис дастури” ҳисобидан, 1500 нафари инвестиция лойиҳалари орқали, 1700 нафари кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобидан ишли бўлади.

Бу каби лойиҳалар, истиқболдаги режалар бугун вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи эса бу ишларни янада жадаллаштириш ва кўламини кенгайтиришга туртки берди.

Ў.А мухбири
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ёзиб олди.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Давлатимиз раҳбари эътироф этганларидек, иқтисодийётнинг барча йўналишларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиғи соҳасида ҳам Наманганда тилга олса, намуна қилса арзиғулик ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, деҳқончиликнинг барча турлари бўйича йилдан-йилга ўсишга, даромаднинг ошиб боришига эришилмоқда.

Жорий йилда вилоятда ғаллачилик ҳам яхши натижалар кўлга киритилди, ҳосилдорлик ошди. Фермер хўжалиқлари, уларнинг аъзолари манфаатдорлиги ортиди. Мамлакатимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида уруғчилик соҳасига жиддий эътибор берилаётган. Вилоятда келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта ҳозирлик кўрилмақда. Шу кунгача қатор истиқболли навлардан иборат 18 минг 97 тонна сара уруғ захираси яратилди. Мавжуд 4 та уруғлик дон тайёрлаш цехи ҳамда



УРУҒЧИЛИК РИВОЖ ТОПСА, МҮЛ-КЎЛЧИЛИК БЎЛАДИ

5 та Элита уруғчилик хўжалиқларида дорилаш ишлари сифатли ниҳоясига етказилди. Юқори ҳосилдорликка эга, маҳаллий тупроқ, иқлим шароитларига мос, касаллик ва зараркундаларга чидамли янги навлар улуши 19 фоизга ортиди. “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДМ Наманган вилояти бошқармаси тизимидаги “CHortoq Best Seeds”,

“Uchoq’rgon Best Seeds” МЧЖ-ларда, “Рестлер Трио”, “Art Soft Seeds” МЧЖ кластер корхоналарида, “Дальтебуй” Элита уруғчилик хўжалиғида “Silvizole 6%” кимевий препаратлари билан дорилаш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги мавжуд цехларда 8475 тонна ёки (46,8%) уруғлик донлар сараланиб, дориланди. Шундан “CHortoq Best Seeds”



МЧЖда 2455 тонна, “Uchoq’rgon Best Seeds” МЧЖда 2740 тонна, “Art Soft Seeds” МЧЖ кластер корхонасида 2360 тонна, Элита уруғчилик хўжалиқларида 919 тонна уруғлик донлар дориланиб, цехларнинг махсус омборларида Давлат стандартлари бўйича сақланмоқда. Бундан ташқари, ушбу дориланган уруғ-

лик донлардан 7079 тоннаси Агросоаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази ДУК томонидан уруғчилик мувофиқлик сертификат олиш учун намуналар жўнатилди. Ишонч билан айта оламизки, юқори авлодли уруғлик донларни тозалаш, саралаш дорилаш ва қадоқлаш ишлари замонавий “Лаурний



петкус” техникаларидан фойдаланиб амалга оширилаётгани келгуси йил ҳосиллигини янада мўл-кўл, баракали, сифатли бўлишига ўз самарасини беради. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизни, республика қишлоқ хўжалиғи ходимларини, фермер ва деҳқонларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги билан муборакбод этамиз. Доимо юртимиз тинч, бозор ва дастурхонларимиз тўкин, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ойбек ҲАЙДАРОВ,
Уруғчиликни ривожлантириш
ДМ Наманган вилояти
бошқармаси бошлиғи.

Бугун юртимиз қишлоқ хўжалиги тизимида қатор янгилар жорий этилиб, инновацион лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – халқимизнинг тўқ ва фаровон ҳаётини таъминлаш. Шу каби эзгу ишларда институтимиз аҳил жамоасининг ҳам ўз ўрни борлигидан, деҳқон фермерларга яқин кўмакчи эканлигимиздан гоят мамнунмиз. Эркин ва самарали меҳнат қилишимиз, кенг қўламли илмий изланишлар олиб боришимиз, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашимиз, ютуқларимиз билан бемалол мақтана олишимиз учун имкон яратган Истиқлол байрами барчангизга муборак бўлсин! Эришадиган ютуқларимиз қалбимизга фахру ғурур, танимизга ғайрату шижоат кўшаверсин!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ТИЗИМИДАГИ ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ЖАМОАСИ

барча юрдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём билан қизғин муборакбод этади. Юртимиз бўйлаб байрам шукухи кезиб юрган айни лаҳзаларда барчангизга бахт-саодат, Истиқлолимизни мустақамлаш йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Қалбларингиздан шоду-хуррамлик, хонадонларингиздан кут-барака аримасин. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ОЛИЙ ТА’ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА FUQAROLAR MUROJAATLARI VA TAKLIFLARI BILAN QANDAY ISHLANADI?

Mamlakatimizda jismoniy va yuridik shaxslarning davlat organlariga murojaat qilish huquqi konstitutsiya darajasida belgilangan bo'lib, har bir shaxsning ushbu konstitutsiyaviy huquqni so'zsiz amalga oshirishi uchun zarur sharoitlar va huquqiy mexanizmlar yaratilgan. Bugungi kunda Xalq qabulxonalarini tom ma'noda xalq ovozin, jamoatchilik fikrini ifoda etadigan tuzilmaga aylanishi uchun qo'shimcha huquqiy asoslar yaratilishi va parlament tomonidan mamlakatimiz bo'yicha murojaatlar bilan ishlash holati nazoratga olinishiga oid konseptual g'oyalari ilgari surilmoqda.

Hozirgi kunda zamonaviy oliy ta'limning maqsadi faqatgina talabalariga bilim berish bilan cheklanib qolmaydi. Zero, universitetlar bilim, innovatsiya va madaniyat markazlari bo'lib, ularning jamiyatdagi o'rni ta'lim va tadqiqotlar bilan cheklanmaydi. So'nggi o'n yilliklarda turli mamlakatlardagi universitetlar fuqarolar, jumladan, talabalar, ota-onalar, bitiruvchilar va keng jamoatchilik murojaatlari bilan faol muloqot qilish zaruratiga duch kelmoqda. Buning sababi shundaki, muassasalar fikr-mulohazalar va talabalar, o'qituvchilar, ota-onalar va jamoatchilikning qaror qabul qilish jarayonlarida ishtirok etishining ahamiyatini tobora ko'proq anglab yetganidadir.

Zamonaviy oliy o'quv yurtlari yanada ochiq va inklyuziv ta'lim jamoalarini yaratishga intilmoqda. Ular fuqarolarning, shu jumladan, talabalar va o'qituvchilarning murojaatlari, fikr-mulohazalari nafaqat ta'lim sifatini yaxshilashga, balki universitet hayotida sadoqat va ishtirokni oshirishga yordam berishini tan olishadi. Masalan, Garvard universiteti va Kembrij universiteti fuqarolarni ularning taklif va murojaatlari asosida kurslarni ishlab chiqish, strategik rejalarni muhokama

qilish va o'quv dasturlarini yaratishga faol jalb qilmoqda. Fuqarolarni oliy ta'lim jarayoniga jalb qilishning ko'plab afzalliklari bor. Birinchidan, bu talabalarining ehtiyojlari va umidlarini chuqurroq tushunishga yordam beradi. Universitetda o'qiyotgan yosh fuqarolar o'quv jarayonini yaxshilash uchun qimmatli g'oyalarni taqdim etishlari mumkin. Ikkinchidan, bunday o'zaro ta'sir yanada ochiq va mas'uliyatli madaniyatni shakllantiradi. Talabalar, o'qituvchilar va ota-onalar qaror qabul qilishda ishtirok etish imkoniyatiga ega bo'lib, bu borada o'zlarining ko'proq vaqtini ajratishadi va universitet taqdiri uchun javobgar ekanliklarini bevosita his etadilar. Bu o'quv jarayonining barcha ishtirokchilari o'rtasida yaqin hamkorlik va sheriklik aloqalarini o'rnatishga yordam beradi.

Oliy o'quv yurtlari fuqarolar bilan muvaffaqiyatli muloqot qilish uchun foydalanadigan bir nechta strategiyalar mavjud. Ochiq munozaralar va konsultatsiyalar: ochiq munozaralar, munozaralar va konsultatsiyalarni tashkil etish talabalar, o'qituvchilar va boshqa fuqarolarga universitet hayotining turli jihatlarini to'g'risida o'z fikrlari va g'oyalari bilan o'rtoqlashish imkonini beradi.

Kengashlar va qo'mitalarni tashkil etish: turli guruhr vakillarini (talabalar, o'qituvchilar, ota-onalar, bitiruvchilar) o'z ichiga olgan kengashlar yoki qo'mitalarni shakllantirish asosiy masalalar bo'yicha uyushgan munozara va qaror qabul qilishga yordam beradi.

Texnologiyadan foydalanish: Internet platformalari, shu jumladan, forumlar va onlayn so'rovlarda ishtirok etish va fikr-mulohazalarga keng kirishishni ta'minlashga yordam beradi. Biroq, bugungi kunda fuqarolar bilan hamkorlik qilishda ham ayrim qiyinchiliklar uchramoqda. Fikrlarning xilma-xilligi va nizolarni boshqarish diqqat va boshqaruv ko'nikmalarini talab qiladi. Universitetlar ushbu jarayonlarning murakkab bo'lishi mumkinligiga tayyor bo'lishlari lozim. Biroq, shuni ham unitmaslik lozimki, pirovardida mazkur hamkorlik natijasida yanada kuchli va barqaror ta'lim hamjamiyatini shakllantirishga yordam beradi.

Oliy ta'lim muassasalarida fuqarolar bilan o'zaro aloqalar muvaffaqiyatli ta'lim tizimining tobora muhim tarkibiy qismiga aylanib bormoqda. Fuqarolar muloqotining shaffofligi va ularning ishtiroki talabalarining ta'lim muassasalaridagi ehtiyojlarini chuqurroq tushunishga va mas'uliyatli ta'lim muhitini shakllantirishga yordam beradi. Oxir oqibat, fuqarolar bilan hamkorlik zamonaviy oliy o'quv yurtlarini rivojlantirishning asosiy omili bo'lib, ularning tajribasi butun dunyo bo'ylab universitetlar uchun namuna bo'lishi mumkin.

Shohrux NURULLAYEV,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Tashkiliy-nazorat va strategik rejalashtirish boshqarmasi Monitoring va ichki nazorat bo'limi xodimi.

ФЕРМЕР, ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, шу жумладан, далада эрта-ю кеч тер тўқиб, ризқ-рўз яратаётган бободоҳқонларимизни, фермерлару томорқа ер эгаларини Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 32 йиллиқ
қутлуғ байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Барчаларига мустақам соғлиқ-саломатлик, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган хайрли ишларида муваффақиятлар тилайди. Илоҳим, жонажон диёримизда байрамлар, хурсандчиликлар бардавом бўлсин!

Эълон

Тошкент шаҳар адлия бoshқармаси томонидан 2019 йил 17 январда Пирматов Алишер Гафуровичга берилган №81 рақамли “ПОИТАХТ” адвокатлар хайъати адвокати ГУВОХНОМАСИ йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

MUSTAQILLIKNING 32 YILLIGI

"Agrobank" ATB jamoasi vatandoshlarimizni eng aziz va eng ulug' bayram - Mustaqillik bayrami bilan tabriklaydi.

Yurtimiz tinch, hayotimiz farovon bo'lsin!

 **Agrobank**



 **TURON BANK**

32 O'ZBEKISTON
MUSTAQILLIGINING
YILLIGI
MUBORAK BO'LSINI!

Yurtimiz aholisini eng ulug', eng aziz bayramimiz - Mustaqillikning 32 yilligi munosabati bilan samimiy qutlaymiz!

Bayram munosabati bilan sizga foydali
"Maksimum" onlayn omonatini
taklif etamiz

Muddati
18 oy

Yillik foizi
23,2%



Xizmatlar litsenziyanlangan

 **1220**
 **turonbank.uz**

 **"O'ZAGROSUG'URTA"**
AKSIYADORLIK JAMIYATI

"ЎЗАГРОСУҒУРТА"

акциядорлик жамияти жамоаси

*азиз юртдошларимизни энг улуг,
энг азиз байрам –
Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги
билан қутлайди.*

Мамлакатимиз иқтисодини мустақамлаш, юртимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида куч-ғайрати, билим ва тажрибаларини бахшида этаётган барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

"Ўзагросуғурта" АЖ бугунги кунда 140 дан ортиқ суғурта хизматлари, шундан 24 турдаги онлайн суғурта хизматларини тақдим этиб келаётган республикамиздаги энг етакчи компаниялардан ҳисобланади.

Компаниямиз хизматларидан фойдаланинг!

"Ўзагросуғурта" – йиллар давомида оқланган ишонч!



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-840. 1320 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



772010702007

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00